

# ДҮМБИРАНГ ОВОЗИДАН АЙЛНАЙ, БАХШИ!



**Қашқадарё вилоятининг чекка ҳудуди, Қарши шаҳридан 55 км узоқликда жойлашган, Туркманистон Республикасига чегара дош Таллимаржон сув омбори яқинида бир ташкилот бор. Вилоят Сув оқава давлат унитар корхонасига қарашли ПК-162 насос станцияси, деб атaluвчи ушбу маскан кўп йиллардан буён Нишон, Қарши, Миришкор, Касби ва Муборак туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаб келади. Элга эзгулик улашишини мақсад қилган 20 нафардан зиёд корхона ишчиларига Бобошер МЕНГЛИЕВ бошчилик қиласди.**

Айни навқирон ёшдаги катта уста Бобошер Менглиев Нуристон шаҳридан бўлиб, бу жойда иш бошлаганига ўн беш йил тўляпти. Аввалига оддий ишчи сифатида иш бошлаган йигит навбатчи уста, уста, катта уста вазифаларида фаолият юритиб келди. Қаерда тартиб-интизом бўлса, ўша ерда барака-унум бўлади, деган ҳикматга амал қилувчи бошлиқ интизомни, аввало, ўзидан бошлайди. Раҳбарлик масъулиятини дилдан ҳис қилган қаҳрамонимиз ишхонага барвақт этиб келади. Иш вақти бошлангунга қадар насосларнинг иш ҳолатини бир-бир кўздан кечиради. Сўнгра ишлаб чиқарилган сув ҳажмини ҳисоб журналига қайд этади.

Насос станциясида ишчилар 12 соатлик навбатчилик асосида иш олиб боришади. Катта уста кунлик ишни ташкиллаштириш бўйича ходимлар билан маслаҳатлашади. Ҳар бир

ходимнинг оилавий шароити, моддий аҳволи раҳбарнинг назаридан четда қолмайди. Ўзбекчилик дегандай, кимда тўй, яна кимнингдир уйида маъррака бўлади. Табиийки, ўша пайтда раҳбар ходимдан моддий ва маънавий ёрдамини аямайди. Бобошер уста табиатидаги инсоний фазилатлари сабаб жамоасида ўзига яраша обрў-эътибор топган.

Шуни айтиш жоизки, 13 гектарни эгаллаган насос станциясининг 3 гектарига кўркам боғ яратилган ва бошқа экинлар экилган. Ҳар йили мевалар етилган пайтда корхона ишчилари қишига ғамлаш учун шароит яратиб берилади. Қоп-қоп қуритилган меваларни-ку, айтмаса ҳам бўлади...

Ҳикоямиз қаҳрамони билан бўлган суҳбатда унинг камтарлиги, камсуқумлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

- Кўз тегмасин, жамоамиз аҳил-иноқ. Ҳамкасларим зиммасидаги топшириқни сидқидилдан бажаришади, тўй-маросимларда хизматда туриб беришади. – дейди Бобошер Менглиев. – 2017–2018 йилларда 3,5 миллиард сўмлик қурилиш ишларини бажаришга эришдик. З та янги насос ўрнатилди. Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш мақсадида хона совуткич ва мебеллар билан жиҳозланган.

Маълумки, насослар 12 м чуқурликда бўлиб,

“Алпомиш” ва “Кунтуғмиш” достонларини ёд олиб, 10 дан зиёд термаларни яратди.

Бобошер Менглиев 2018 йилнинг ноябрь ойида Дехқонобод туманида жойлашган Ка-лий заводида бўлиб ўтган вилоят бахшилари кўрик-танловида “Алпомиш” достони ҳамда ўз қаламига мансуб “Ўзбекистоним” термасини ижро этиб, вилоят ҳокими Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. 2019 йилнинг 5–11 апрел кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган Бахшичилик фес-



диаметри 1 020 мили трубалардан сув ҳайдайди. Авваллари қайси жойда авария ҳолати со-дир бўлса, яъни қувур тешилиб, сув тошиб ётган бўлса, аксари ҳолларда таъмирлаш ҷоғида тракторнинг ботиб қолиши муаммо устига муаммо бўларди. Эндиликда, Бобошер Менглиевнинг ғояси билан тешилган трубадан 3-4 метр нарида – қуруқ жойдан люк очилиб, ишчи бевосита тешикни пайвандлаш имкониятига эга бўлади. Труба ичиди ҳаво етишмаслиги боис, парракли ҳаво совутгичи ўрнатилиб, сунъий шароит ҳосил қилинади.

Бобошер Менглиев ўз ишининг устаси, малакали мутахассис, намунали раҳбар бўлиш баробарида ҳалқ оғзаки ижодининг достончилик йўналишида ижод қилувчи яхшигина бахшидир. Эл суйган Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош йўлида изланаётган ижодкор устози Ўзбекистон Ҳалқ бахшиси Абдуқаҳҳор Раҳимовдан дўмбира чертиш ва достончилик сирларини ўрганиб келмоқда. У мураббийидан

тивалида фахрли ўринни эгаллади.

Жорий йилда “18 апрель – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари куни” муносабати билан Самарқанд шаҳрида ўтказилган тантанали маросимда дўмбира чертиб, сара термалари билан меҳмонларни хушнуд этди. Қаерда бўлмасин, унинг ижросини тинглаган борки, “Дўмбиранг овозидан айланай, Бахши!” деб эътироф этади.

Коммунал соҳа билимдони, моҳир дўмбирачи, хушваз бахши бир оиласинг суюнган тоғи. Икки ўғил ва икки қизнинг отаси. Давлат иши, рўзғор ташвишларидан ортиб, ота-онасини йўқлаб туришни канда қилмайди. Аннабозор aka ва Гулойим аялар барча ота-оналар каби фарзандлари камолини тилаб қўллари дуода. Зоро, дунёда падари ва волидасининг хизматларида бўлиб, дуоларига мушарраф бўлиш, эл корига ярашдан ортиқ бахт йўқ. Бахтингга кўз тегмасин, Бобошер!

Н.ҚИДИРАЛИЕВ, К.ҮЛМАСОВ